

Боравер, сени кечирдим



07:00 / 16.07.2019 1645

Ибн Саммок раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Ибодатгўй бир одам ҳақида эшитиб қолиб, уни зиёрат қилишга ошиқдим. У киши: «Эй Ибн Саммок, сизни бу ерга қайси шамоллар учирди?» деди. «Сиз ҳақингизда эшитиб, сизни зиёрат қилгим келди», дедим. У: «Мен ҳақимда гапирган одам сизни алдабди. Ахир ўзимни бошқалар билганидан яхшироқ биламан. Эй Ибн Саммок, ҳақиқий бахтли инсон – ҳалок бўлишидан олдин бор кучи билан жидду жаҳд қилган одамдир», деб насиҳат қилди. Унинг гапларини эшитиб, йиғлаб юбордим. Кетиш олдидан унга: «Бирор хизмат бўлса, айтсангиз, мени хурсанд қилган бўлар эдингиз», дедим. У: «Бу ерда ўтирган одамнинг инсонларга ҳожати тушмайди», деди. Мен унга: «Аллоҳ ҳаққи сўрайман, айтинг-чи, дунё ва охирада нимани яхши кўрасиз?» дедим. Унинг кўзи ёшланиб, шундай деди: «Қасам билан сўрамаганингда, «Ҳеч нарсани яхши кўрмайман», дер эдим. Бу дунёда яхши кўрган нарсам – тоат-ибодат учун куч-қувват, бекорчи нарсалардан узоқ бўлган нафс ҳамда кўрқувдан титраб турган қалб. Охирада яхши кўрган нарсам эса Роббимнинг «Боравер, гуноҳларингни кечирдим», дейишидир».

«Солиҳлар гулшани» китобидан